# ҚЎҚОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қўқон шаҳри мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўринга эга. Давр талабини яхши англаган шаҳар раҳбарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун чет эл сармоясини жалб қилиш, қўшма корхоналар барпо этишга жиддий эътибор беришмоқда. Хусусан, «Қўқоннон» жамоа корхонаси Австрия билан ҳамкорликда водийда ягона хамиртуруш заводи қуриб, фойдаланишга топширди. Шунингдек, бу жамоа нон заводи ва савдо растасини ишга туширди. Натижада 300 дан ортиқ киши ишли бўлди. «Электромашинасозлик» ва «Зилол» корхоналарида хорижликлар билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чет элдан янги технологияни келтириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Шаҳарда қурилиш ишлари қизғин бораяпти. Ўтган беш йил мобайнида 285 миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари бажарилди. Яқинда фойдаланишга топширилган кўз касалликларини даволаш маркази нафақат шаҳар, балки вилоят учун ҳам бебаҳо мулк бўлди. Энг замонавий лойиҳа асосида барпо этилган бу даволаш маркази нодир тиббиёт асбоблари билан таъминланди. Шифохонани барпо этиш ва уни зарур жиҳозлар билан таъминлашда вилоят ҳокими Мирзажон Исломовнинг ноиб сифатида кўмаклари беқиёс бўлди. Ҳокимлик ташаббуси билан кунига 120 беморни қабул қила оладиган шифохона, 150 ўринли касалхонадан иборат марказга иккинчи вилоят кўз касалликларини даволаш маркази мақоми берилди.

Шунингдек, А. Навоий мавзесида 100 савдо ўрнига эга бозор, Шоҳруҳобод кўчасида 25 ўринли савдо ва овқатланиш шахобчаси, халқ банкининг Қўқон бўлими биноси ишга туширилди. Яқин орада автошоҳбекат ҳам фойдаланишга топширилади. Нодирабегим маданият ва истироҳат боғи қурилаяпти, Кўчалар, хиёбонлар, чорраҳаларни тартибга келтириш, ободонлаштириш қўқонликларнинг азалий ва фахрли ишидир. Шу ниятда Чорсу, Кимёгарлар саройи, Амир Темур кўчаси, 2-пахта тозалаш заводи олдидаги майдон ва чорраҳаларда янги гулзорлар, хиёбон ва йўллар барпо этилди.

Шаҳарнинг «Навбаҳор» кўчасида Швейцариянинг «Петроле-Азия» компаниясининг автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси ишга тушди. Шуни айтиш кераккки, мотор таъмирлаш заводида халқ эҳтиёжи учун кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, йиғма каровот, аравача, токларга ишлов берувчи аппарат сингари йигирма турдаги маҳсулот харидорларга манзур бўлмоқда.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.**



*Андижон вилояти Пахтаобод тумани Юнус қори Юсупов номидаги хўжаликнинг«Гулжамол» мақомчилар дастаси Шаҳрисабзда бўлиб ўтган «Мақом ижрочилари ва миллий халқ чолғу асбоблари дасталари» республика кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринни олди.*

**Суратда: «Гулжамол» мақомчилар дастаси раққоса қизлари.**

**Э.ҚУТЛИМУРОДОВ олган сурат.**

*Машриқзамин дарғалари*

*Абу Райҳон Беруний*

# ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳаёт қийинчиликлари, маишат машаққатлари олтин ва кумуш воситаси билан осон қилингач, кўнгиллар улар муҳаббатига ўралиб, қалблар уларга мойиллик пайдо қилади. Бу худди олтин ва кумушнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтганига ўхшаб кетади. Шу йўсинда одамлар уларни йиғишга ва кўпайтиришга ортиқча ҳирс қўя бошлашди. Шу билан олтин ва кумуш иккаласининг одамлар наздида шараф ва баҳода тутган ўринлари табиий ва қонуний суратда эмас, балки шартли ва келишиш асосида юксалди.

Чунки, зотан бу иккаласи тош бўлиб, одамни очликдан тўйғиза олмайди, ташналикни қондиролмайди, зарарни тўса олмайди, машаққатдан қутқара олмайди. Гавдани тиклашга ғизо сифатида фойдаси тегмаган ва унинг турини боқий қолдиролмаган, кийим бўлиб бошқа одамларнинг унга кўрсатадиган ёмонликларидан уни асрай олмаган, иссиқ-совуқ қийинчиликларидан сақлай олмаган ва пана ер сифатида сақланишга ёрдам беролмаган ҳар бир нарса табиатан мақтовга сазовор эмас. Башарти ўша нарса мақташга сазовор бўлгудек бўлса ҳам у табиий равишда мақталмайди, балки ҳаётда зарур бўлиб, ўша бошқанинг эҳтиёжи тушадиган нарса унинг ёрдамидагина ҳосил бўлса, ўшандагина у мақталади.

Шунинг учун тиллани мутлақ хайр — яхшилик деб атадилар, чунки у мақсадга эришишда муваффақиятларни ўзига қамраб олади. «Чиндан ҳам (инсон) хайрни севишга қаттиқдир» деган иборада, «хайр» дейилганида олтин назарда тутилган. Тилларда айтиладиган «Дирҳамни эҳсон қиладиган киши барча яхши нарсаларни ҳам эҳсон қиладиган бўлади», деган гап бор-ку. Чунки барча хайр танга табиатида бўлмаса ҳам, унинг зимнида бор.

Денгизда сафар қилган бир кишининг ҳикоя қилиб беришича, шамол уларнинг кемасини йўлдан уриб, бир оролга элтиб қўйган. Кейин улар ўша ерда тўхташган. Ҳалиги киши бошқалар қатори кемадан оролга чиққан. Шунда у ўша ороллик бир одамдан ўзига керакли бир нарсани сотиб олмоқчи бўлиб, унга ёнидан динор чиқариб берган. Ороллик киши динорни олиб, у ёқ бу ёғини ағдариб кўрган, ҳидлаган, татиб кўрган. Шунда динордан ўз сезги аъзоларида бирор фойдали нарса ёки бирор маза кўрмагач„ уни эгасига қайтариб берган. Фойдаси кўриниб турган нарсани у ҳеч қандай фойдаси бўлмаган нарсага алмаштириш ярамайди, деб билган.

Улай агар, табиий муомала худди мана шунинг ўзи, маданий одамлар орасида ўзаро муносабатлардаги ҳаёт тартиби ҳам худди шу муомала билан бўлган...

Чиндан ҳам олтин ва кумуш маъдандан чиқарилгач, худди ўрилган экинлар ва сўйилган ҳайвонга ўхшаб қолади, у ейиш ва тарқатишдан бўлак нарсага ярамайди. Шунга ўхшаб бу бойлик ҳам маъдандан олингач, зарб қилиниб, олтин ё кумуш ҳолида тижорат учун қўлдан-қўлга ўтказишдан ёки ўз ҳақларини адо этишдан бўлак нарсага ярамайди.

* * *

Одамгарчилик, яъни муруввват кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чекланади. Мардлик — футувва эса ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Муруввватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатига чидаш берса, зиқналик қилмасдан бошқалар маҳрум нарсаларни бировларга берса, мана бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади: у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда ўша сифатлари учун эҳтиром қилинади.

Бу худди Жаҳза ал-Бармакий (Аббосийлар халифалиги даврида яшаган вазир)нинг айтганига ўхшаб кетади: Басрада бир киши бўлган экан. У ҳар куни энг яхши кийимларини кийиб, чопқир уловини миниб, одамлар ҳожатини чиқаришга уринар экан. Ундан бу ҳақда нега шундай қиласан, деб сўрашса, у шундай деб жавоб берибди:

«Мен кўзадан энг яхши шарбатларни ичиб лаззатланганман. Ҳатто бу шарбатни энг шуҳратли бастакорларнинг ашула айтиб, торлари чертилган ажойиб пайтларда ҳам ичганман. Уларнинг овозлари худди дарахтлардаги хушовоз қушларнинг ажойиб нағмаларига ўхшаб кетган. Лекин бу хурсандчилигимнинг ҳаммаси ҳам ҳеч қачон мен бирор кишига яхшилик қилиб, унинг дўстлар ўртасида менга билдирилган миннатдорчиликдан олган хурсандчилигимга етмас эди».

* * *

Бир улуғ қабилага мансуб киши ота-боваларини пеш қилиб, Амир Исмоил ас-Сомонийга мурожаат қилиб хат ёзибди. Шунда Исмоил унинг хатига шундай деб жавоб берибди:

«Аждоднинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ».

Биров айттан экан: «Кимда ким обрўли қариндошларига нисбат бериб, уларни восита қилса ва ўзи ҳеч нарса қилмай, фақат ўлган аждодлари билан фахрланибгина юрса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждодлари эса тирик саналади».

Бу худди бир шоирнинг:

«Агар эр киши ўзини ўзи юксакликка кўтара олмаса, чириган суяклар унинг фахр манбаи бўлолмайди, деган гапига ўхшаб кетади.

* * *

Баъзан жувонмард киши ҳаддидан ошиб кетади. Бунда шу даражага бориб етиладики, унда ўз мулкини бошқага беришда жонини фидо қилишгача ҳам боради. У бу ишни ориятни ўзига олишдан ёки зулмни дафъ қилишдан, қўшничилик ҳаққини бажо келтиришдан келадиган уялишдан қочибгина шундай қилади.

Бу араб дарвешлари ривоят қиладиган қаҳрамонликка ўхшаб кетади. Улар ўз меҳмонлари ва улардан паноҳ истаб келувчиларга ўзларини фидо қилганлар. Ҳатто бу ишлари билан улар ақлсизликка ё жинниликкача бориб, чодир теварагига қўнган чигирткани ҳимоя қилиб, уларни овлашга қарши бошқалар билан жанг қилганлар.

Баъзилар бўлса, Хотам ат-Тойига ўхшаб ўз жонига қасд қилиб бўлсаям душманига нисбатан саховат ва шафқат кўрсатади. Ҳатто Хотам ат-Тоий душманнинг жони танидан узиладиган пайтда душман Хотамдан найзани беришни алдаб сўраган ва Хотам душман тилагини рад қилишга кўнгли бормай, найзасини душманга тутқазган.

Ёки бўлмаса Каъб ибн Мома ал-Айёдийни олинг. У майда тош билан ўлчаниб тортилган ўз улушига тушган сувни ичмай, унинг кўнгли бўшлигини билиб: «биродаринг ан-Нумайрига ичир», дейишганида, унга берган ва ўзи ташналикдан ҳалок бўлган.

Бир шоир айттан:

«Вақти келганда ўз жонини бошқага фидо қилишлик — жувонмардликнинг энг охирги чегарасидир».

Бошқа бир шоир шундай деган:

«Эрталаб нонуштасини қилиб, кечқурун шомлигини ичиб юрганни марди мардон деёлмаймиз. Марди мардон шундай одам бўладики, эрта-ю кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради».

Али ибн ал-Жаҳм (араб шоири) бўлса шундай деган:

Яхши кишида мол-дунё бўлмаслиги ор саналмайди:

Лекин унда яхшиликка интилиш тугаса, бу уят саналади.

Яъни бу ерда биринчи сатр билан у мардлик — футуввани айтмоқчи, чунки унга қўли очиқлик ва пур неъматлик билан эришилади. Баъзан мардликка эришишдаги ижтиҳод чалкаш бўлиб қолади. Шунинг учун ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.

Иккинчи сатрда эса муруввват кўрсатишни айтмоқчи бўлади. Чунки ҳур кишиларнинг олийжаноблик ҳислатлари ҳўрликдан ўзини сақлайди ва пасткашликдан асрайди.

Бундайлар ўзининг баҳузурлигини иложи борича кўрсатишга ҳаракат қилиб, қийналганини яширади. Ҳатто аҳволини билмаганлар уларни бойга йўйишади, чунки уларнинг сарф-ҳаражатдаги бемалолчилигини бадани, кийими тозалигини, худо берган ўз ризқига бошқаларни шерик қилганини кўриб, уни бой деб ўйлайди.

Кишиларнинг ўзида олижаноблик хислати бўлмай туриб, фақат ўзидаги ёмон мақсадни кўзлаб турибгина «хўжа кўрсин»га эҳсон қилувчининг эҳсони фойдасиз.

**А. ИРИСОВ,**
**тайёрлаган.**

*Олам ичра олам*

## ЎРМОНЛАР ЁНМОҚДА...

«Табиат билан тил топиш, шунда ҳеч вақт камбағаллашмайсан. Сени одамларнинг фикр-мулоҳазалари эмас, табиат бадавлат қилади», деган экан юнон файласуфларидан бири. Аммо табиат билан тил топишиш осон кечмаяпти. Бу ҳол бутун дунё бўйлаб давом этмоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатларида ўрмонларнинг ёниб кетиш ҳоллари кўплаб учраяпти. Маълумотларга қараганда, Калифорния штатида бир ҳафтада уч марта ўрмон ёнғин остида қолган. Бунинг натижасида 100 дан ортиқ уйлар ҳам ёниб кетган. Сан-Бернардино штати жанубида эса 240 гектарга ўт кетиб оловнинг қамрови 400 метрни ташкил қилган.

## СТИПЕНДИЯНИ ТЎЛАЙСИЗМИ?

Бугунги иқтисодий ўзгаришлар даврида ҳамма қатори талабаларга ҳам осон эмас. Айниқса, хорижда таълим олаётган талабаларга янада мушкулроқ. Шунинг учун ҳам уларга стипендиялар ўз вақтида тўланиши керак. Акс ҳолда талабаларнинг аҳволи оғирлашади. Москва олийгоҳларидан бирида шундай бўлди ҳам. Чад республикасидан келиб таълим олаётган талаба ўз ватанининг элчихонасига бориб, стипендия масаласида элчи билан айтишиб қолди. Натижада, стипендия олмай сабри тўлган талаба элчига пичоқ ўқталиб уни ярадади. Дипломат касалхонага ётқизилган, талаба эса қамоққа олинди. Шунақасиям бўлади.

## ЭНГ КЎП ЯШАЙДИГАН ЎСИМЛИК

Одатда, яқин кишиларимизга умр тилаганда чинор умридек узоқ бўлсин деймиз. Сабаби чинор узоқ умр кўради. Лекин, ўсимликларни узоқ умр кўради десак кўпчилик ишонмаса керак. Чунки, ўсимликлар, асосан, бир йиллик бўлади. Бироқ ўсимликлар орасида ҳам узоқ умр кўрадиганлари топилади. Масалан, Австралияда ўсадиган Вильвечия ўсимлиги роппа-роса 150 йил умр кўради. Шуниси қизиққки, бу ўсимликнинг бўйи бир метрдан ошмайди. Инсонларга ҳеч бўлмаса мана шу Вильвечия умри насиб этсин.

## ТАЛАБАЛАР ФОНДИ ЎҒИРЛАНДИ

Қадимда одамлар ўғирлик қилишдан ор қилишган, қўрқишган. Чунки, ўғирлик гуноҳ ҳисобланади. Лекин бугунги кунда бу гуноҳдан қўрқмайдиганлар кўплаб топилади. Шунинг учун ҳам ўғирликлар деярли ҳар куни содир бўлмоқда. Москва марказида Россия талабаларига ёрдам хайрия фондини ўғирлаб кетишди. Ҳозирганча кимлиги аниқланмаган бу кимсалар темир панжараларни кесиб ташкилот идорасига киришган. Ҳамда у ерда сейфни ҳам синдириб унда сақланаётган 20 минг АҚШ доллари ва 25 миллион Россия рублини ўмариб, жуфтакни ростлашган. Аммо «қингир ишнинг қийиғи», қирқ йилда ҳам барибир чиқади.

**Озод БЕК тайёрлади.**

*МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ*

## САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

### (19-25 ноябрь кунлари учун)

19 ноябрдан 20 ноябрь кундуз учга қадар Ой Ҳут юлдузлар буржида бўлади. Бу даврда буйрак, тери, жигар, сезги аъзолари, оёқ-асосан товон, асаб, эндокрин тизимга ҳушёр муносабатда бўлганингиз маъқул. Аллергия эҳтимоллари ҳам ортади. 19 ноябрь эрталабки соатларда ўткир ичак касалликлари, ичак орқали заҳарланиш, руҳий безовталиклар бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу боис ҳуқна қилдириш, спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг. Тинчлантирадиган дори-дармонлар истеъмол қилиш, аллергиялар, оёқдан шикастланишлар эҳтимоллари олдини олиш чора-тадбирларини имкон борича кўриб қўйинг.

Ойнинг Ҳут юлдузлар буржида бўлиши сир-синоатли нарсаларга мойиллигингизни ошириб, раҳм-шафқатлироқ, меҳр-муҳаббатлироқ бўлишга ундайди. Шуни ҳам унутмангки, 19 ноябрь 9-Ой кунида руҳиятингиз ва ҳиссиётларингиз заифлашади. Асаби жойида бўлмаган кишилар имкон борича маст қилувчи ичимликларни ичмасликлари, тамакини ҳам иложи бўлса камроқ чекишлари керак. Бундай кезларда ўй-кечинмаларни яхшилик томон ўзгартириб, камчилик-нуқсонларни тан олиш ва уларни тузатиш йўлини тутган маъқул. 20 ноябрь - 10 Ой кунида эса кўкрак қафаси заифроқ тус олади. Бу оилани, рўзғорни, оилавий тамойилларни мустаҳкамлайдиган сана.

20 ноябрь учдан 22 ноябрь тунги тўққизга қадар Ой Ҳамал юлдузлар буржининг меҳмони бўлади. Бу даврда бош, шунингдек, бош мияни авайлаш лозим. Шу кунларда жуда ҳам зарур бўлмаса, кўзда, қулоқда, юзда, бошда мураккаб жарроҳлик муолажаларини кечиктирган яхши. Айни замонда бу буйракда, буйрак усти бези, ошқозон ости безини операция қилдириш ва турли шаклдаги даволашлар ўтказиш учун мос фурсатдир. 20 ноябрь соат учдан бешгача бош мия сурункали касалликларининг белгилари кучайиши эҳтимоли бор. 21 ноябрь тўртдан олтигача эса мияга қон қуйилиши кўпайиши ҳамда миядан қоннинг чиқиб кетиши хавфи мавжуд. Бундан ташқари қандли диабет, бош миянинг турли сурункали хасталикларига чалинганлар эҳтиёт бўлишлари, имкон борича парҳез сақлаганликлари маъқул.

Ойнинг Ҳамал буржидан ўтиши Сизнинг ташаббускорлигингиз, қатъиятлилик, иродалилик хислатларингизни кучайтиради. Айни замонда муросагўйлик, бағри кенгликни ҳам унутмангки, булар муайян ишларни яхши бошлашда жуда қўл келади. Бу яқинларингизга ҳадялар улашиладиган кунлигини ҳам унутманг. Шу куни юракни операция қилдириш тавсия этилмайди. Олма шарбатидан бошқа шарбатларни бемалол ичишингиз, валериана илдизи қайнатмасини ҳам истеъмол қилишингиз мумкин.

21 ноябрь кеч тўққиздан 25 ноябрь тунги учгача Ой Савр юлдузлар буржида ўтов тикади. Бу даврда томоқ, бўйин, эндокрин тизим, буйракка ҳушёр бўлинг. Шу аъзоларни операция қилдиришни айни даврда тавсия этмаймиз. Лекин жинсий аъзолар ва тўғри ичакни операция қилдириш учун жуда қулай фурсат.

Ойнинг Савр юлдузлар буржида бўлиши амалийлик, ишда пухталик, одамохунлик, гўзаллик ва уйғунликка интилиш фазилатларингизни оширади.

23 ноябрь 13-Ой куни ошқозон заифлашиши сабабли оч қолманг. 24ноябрь 14-Ой кунида эса руҳиятингизга ҳушёр муносабатда бўлиб, турли қўрқув кайфиятларини енга олсангиз фойдадан холи бўлмайди. Навбатдаги кунда эса яна руҳиятингиз заифона тус олиб, айни замонда ошқозон ости бези фаолиятида ҳам сустлик кузатилади. Айни пайтда юрак фаолиятида ҳам айрим заифликлар кузатилиши мумкин. Буларга ортиқча эътибор бермасдан уйда исириқ тутатинг, чироқ ёқинг, тинчлантирувчи доривор ўтлар қайнатмасини истеъмол қилинг.

22 ноябрь ва 21 декабрь оралиғида, яъни Қавс юлдузлари буржи остида таваллуд топганларнинг ҳаммасини қутлаймиз. Бу бурж фарзандларига ҳақгўйлик, некбинлик, жасурлик, хушмуомалалик ва софдиллик, самимийлик хос. Айни пайтда бошлаган ишини қўйиб бошқасига киришиш, киноявийлик, маълум масъулиятсизлик ҳам хос. Қавс фарзандлари руҳий қувватга тўлган лаҳзаларда буюклик касаллигига ҳам чалинишлари эҳтимолдан холи эмас. Улар учун кўкатлар, сабзи, жигар, сули ва гуручли таомлар, анжир, гилос фойдали эканини эслатиб ўтамиз. Имкон борича камроқ чекишлари, асабни асрашлари, енгилтакликдан қочишлари керак бўлади. Қатъиятлилик, шахсий интизом, аниқликни ривожлантиришлари даркор. Айни замонда бод, бўкса оғриғи, жигар хасталиклари ҳамда ичак касалликларидан эҳтиёт бўлишлари керак. Шарқ мунажжимлиги нуқтаи назарига биноан Қавс фарзандлари мақсад интилишларини, эътиқодларини аниқлаштириб, яхшилик ва эзгулик қонун-қоидаларига мослаб олсалар, нур устига аъло нур бўлади.

*Ўзингизни билинг*

Газетамизнинг ўтган сешанба (№90) сонида берилган «Ўзингизни билинг» рукнидаги «Тўғри баҳслаша оласизми?» матни саволларига бугун тест калити ва жавобларини эълон қилаётирмиз. Марҳамат, жавобларингизни текшириб кўринг.

## ТЕСТ КАЛИТИ

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| A. | 3 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | 2 |
| B. | 1 | 3 | 1 | 2 | 3 | 3 | 1 |
| C. | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 3 |

*Жавобларингизга олган балларингизни ҳисобланг,*

*7-11 Сиз жаҳлингиз чиққанда ҳаммасини тўғридан-тўғри айтиб ташлайсиз. Ҳамроҳингиз ўзининг хатосини тушуниб, ҳамма нарса унинг ихтиёрида бўлавермаслигини англайди. Лекин ҳар қандай қарама-қарши вазиятда ҳам ўзингизга ошиқча эрк бераверманг.*

*12-16 - Сиз баҳслар ҳаётнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини жуда яхши биласиз. Ўз ҳис-туйғуларингизни вақтида жиловлай оласиз. Баҳслашганда сиз камдан-кам баланд овозда гапирасиз. Бу билан ҳамроҳингизнинг ҳам шахсиятига тегмасдан ўз хоҳлаганингизга эришасиз.*

*17-21 - Агар ишингиз бироз чигал кетаётган бўлса ҳам сиз баҳсдан ўзингизни олиб қочасиз. Билиб қўйинг-ки ҳаётда муҳаббат ва майинлик бирга бўлгани каби жаҳл ва ундан тушиш ҳам табиий бир ҳолдир.*

**Мирзо АҲРОР тайёрлади.**

*Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт*

## ИЛҲОМ ДОВУРБОЕВ — СПОРТ ЮЛДУЗИ

Пахтакорлик Илҳом Довурбоев учун 1996 йил қувончли бўлди. Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтказилган халқаро спорт учрашувида иштирок этиб, бу мусобақада 63,5 кг вазнли бокчилар ўртасида Ўзбекистон боксини дунёга танитди. Маҳоратли ўйини учун иккинчи совриин соҳиби бўлди ва Туркия Бокс Федерациясининг дипломи билан тақдирланди.

Спорт ишқибозлари 22 ёшли Илҳом Довурбоевни республика телеэкрани орқали бокс мусобақаларида кўп бор кўришган. Ушбу мусобақаларда у кўпинча ғолиб чиққан. Бугун эса у бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони.

— Менинг устозим Пахтакор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Баҳодир ака Мирзақулов бўладилар. — деди у — Спортга қадам қўйишимда, бу соҳада эришган барча ютуқларимда устозим Баҳодир аканинг хизматлари катта. Мени дунёга танитган бокс бўлса, спортнинг шу турига олиб кирган Баҳодир акамдир.

**А. ЭРГАШЕВ**

## ЧЕМПИОН ЯНА ЧЕМПИОН

«Тинчлик» жамоа хўжалигининг футбол командаси ўтган йили Янгийўл тумани чемпиони бўлган эди. Бу йил ҳам чемпион ўз мавқеини сақлаб қолди. Хўжалик футболчилари 18 учрашувдан 14 тасида ғолиб чиқишди. Уч ўйинда мағлубиятга учраб, бир ўйинда дуранг натижага эришишди.

Команда ютуғига футболчилардан Ш. Файзиев, Б. Пардаев, Т. Нуриллаев, Д. Азимхўжаев, А. Муртазин, М. Кенжабоевлар катта ҳисса қўшдилар.

Хўжаликнинг яна бир командаси Тошкент вилояти биринчилигида ҳам муваффақиятли қатнашди.

**Ҳ. ҲАМИДОВ.**

## ФИЛ СУРИБ, ОТ ЎЙНАТИБ...

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган шахмат танлови баҳонасида элимизда қадимий шатранж-шахматга бўлган муҳаббат нақадар юксаклиги яна бир бор намоён бўлди. Муштарийлардан бетиним оқиб келаётган мактублар бунинг яққол тасдиғидир. Таҳририятимиз газета саҳифаларида мунтазам шахмат клуби ташкил этишни ва уни «Фил суриб, от ўйнатиб...» деб номлашни лозим топди.

Асримиз бошларида Тошкентда яшаб ижод қилган таниқли шоир Мискин Самарқандда ўқиётган жиянидан хат олибди. Унда йигитнинг кўп жиҳатдан қийналиб қолгани, шу боис ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани баён қилинган эди. Шоир жавоб ўрнида икки мисра шеър юборибди:

От ўйнат, фил югуртир, сур пиёда бўлгунча фарзин.
Жаҳон ҳайратда қолсин айлаган кишт ҳамда мотингдан,

яъни дастлаб иккинчи қаторда турган пиёда жангу жадаллар оқибатида эсон-омон саккизинчи қаторга етиб боролса, фарзин-вазирга айланади. Демак, Мискин сабр-бардош билан ўқишни давом эттиришни уқтирган эди.

Биз вақти-вақти билан бериб бориладиган машғулотимизда шахматнинг тўрт масаласидан имкон борича хабардор қилиб туришни режалаштираяпмиз. Танлов натижаларига келсак, ҳакамлар ҳайъати бу борада ишни якунлаш арафасида.

Топшириқларимиз танловдан ташқари.

**Шартлари:**

1-тасвир. Масала. 3 юришда мот.
2-тасвир. Этюд. Оқлар бошлаб ютади.
3-тасвир. Этюд. Оқлар бошлаб ютади.
4-тасвир. Юриш оқлардан. Сиз қандай ўйнардингиз?

Тўғри жавоб йўллаганларнинг исм-шарифлари газетамизда эълон қилинади.









ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф.МУЛЛАЖОНОВ, М.ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТЎЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56—25—36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56—52—89
Масъул котиб — 56—52—78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт — 56—82—79. Ахборот ва спорт — 56—87—63. Маънавият ва маданият — 56—82—79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш — 56—85—43. Тижорат ва ҳуқуқ — 56—85—66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Жиззахда —3—82—18. Наманганда — 6—22—10. Самарқандда — 35—64—24. Фарғонада — 24—58—43. Урганчда — 6—03—40. Қаршида — 5—33—71.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
• Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24—уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А—2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй. Нусхаси — 27.999. Буюртма Г— 0653. Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ 1 2 3 4 5 6